



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ ИДОРАСИ РАЎБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг пойтахтимиздаги йиғилиши тадбирларида иштирок этаётган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Сўхбатда Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидagi долзарб масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Минтақадаги вазиятга ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик жиҳатларига, шу жумладан, ШХТ саммитига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазири Ўзбекистон етакчисига Россия Президенти Владимир Путиннинг саломини ва самимий тилакларини етказди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор юқори суръат билан ортиб бормоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 32 фоизга ошди. Қўшма Лойиҳа офисининг фаолияти доирасида қарийб 40 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув йўналишида самарали ишлар олиб

борилмоқда. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда Россиянинг 12 та етакчи олий таълим муассасасининг фаолияти йўлга қўйилди.

Минтақавий, шу жумладан, "Марказий Осиё — Россия" форматидagi ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистондаги вазиятнинг тинчлик йўли билан ҳал этилишига ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмакни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия ички ишлар вазири Сулаймон Соёлуни қабул қилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Сулаймон Соёлу давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Туркия томони саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида тизимли идоралараро шерикликни йўлга қўйишга тайёр экани қайд этилди.

Сўхбатда фаол мулоқотларнинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Туркия томони саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР


БИРИНЧИ ЙИРИК ГАЗ-КИМЁ КЛАСТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ОРҚАЛИ САНОАТ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ ЎҒҚЛАРИНИ ОЧАДИ

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Айтиш жоизки, бунда Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифалар алоҳида эътиборга молик.

Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни ШХТга аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак Самарқанд саммити кун тартиби кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Хитой ташқи ишлар вазири давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди. Хитой томони тобора юқори суръат билан ривожланиётган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳолаётгани қайд этилди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Айтиш жоизки, Хитой анъанавий

равишда мамлакатимизнинг етакчи ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 35 фоизга ошди. Йил якунида товар айирбошлаш кўрсаткичлари 10 миллиард долларга яқинлашиши кутилмоқда.

Хитой компаниялари ва банк институтлари иштирокида саноат кооперацияси ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимиз етакчиси ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, камбағалликка қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, инновацияларни жорий этиш, муқобил энергетика, “булутли” технологиялар, IT каби ва бошқа йўналишларда тубдан кенгайтириш учун

имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд этди.

Гуманитар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларини ташкил этиш борасидаги алмашинув дастурини илгари суришга муҳим эътибор қаратилди.

Стратегик минтақавий лойиҳаларни, энг аввало, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” ва “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўллари лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Учрашувда Афғонистоннинг тинч тараққиёти ва иқтисодий тикланишига амалий кўмаклашиш борасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланди. Хитой делегацияси куни кеча шу масалаларга бағишлаб ўтказилган Тошкент конференциясининг самарали натижаларини юқори баҳолади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

Ислохотларнинг биринчи босқичи натижалари ва истиқболдаги вазифалар

Ўзбекистон 2016 йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлари билан кенг қўламли эврилишлар йўлини босиб ўтди. Мамлакат ичида бўлганидек, хорижда ҳам Янги Ўзбекистон ва олти йил аввалги Ўзбекистон сифат кўрсаткичлари бўйича иккита буткул ўзгача ҳодиса экани борасида экспертлар фикрларида ўхшашлик бор.



Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАФАҚАТ ШҲТ МАКОНИДА, БАЛКИ УНИНГ САРҲАДЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИККА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Тошкентда учрашмоқда

28-29 июль кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши юзма-юз мулоқот тарзида бўлиб ўтмоқда. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг ШҲТга амалдаги раислигининг энг муҳим воқеаларидан биридир.

Тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош қотиби ва МАТТ Ижроия қўмитаси директори иштирок этади.

Йиғилишда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисига тайёргарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Учрашув якунлари бўйича ШҲТнинг навбатдаги саммити учун салмоқли ҳужжатлар тўплами маъқулланиши кутилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишлаб чиқилган Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш мажмуавий режаси, Ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича ҳамкорлик концепцияси, Ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурлари, “ШҲТнинг яхши ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги низоми ва бошқалар бор.

Йиғилишда ШҲТга аъзо давлат, кузатувчи давлат ва ШҲТнинг мулоқот бўйича ҳамкори макомини олиш учун тушган аризалар кўриб чиқилади.

Вазирлар ШҲТ фаолиятининг турли йўналишларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш, халқаро шериклар билан институционал алоқаларни кенгайтириш истиқболларини ҳам муҳокама қилади.

Бундан ташқари, минтақавий ва глобал кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш вазирлар йиғилиши кун тартибидан ўрин олган.

ШҲТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ташкилот таркибига қиради. Бу формат ШҲТнинг жорий фаолияти масалаларини кўриб чиқишни, Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини тайёрлаш ва ташкилот доирасида халқаро масалалар бўйича маслаҳатлашувларни қамраб олади. Кенгаш лозим бўлган вақтда ташкилот номидан баёнотлар бериши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида ШҲТ маконида амалга оширилётган Ўзбекистон стратегияси конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби асосий тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон ШҲТ фаолиятининг асоси бўлган “Шанхай руҳи”га мувофиқ ҳамжиҳатлик тамойилларини амалга оширишга фаол ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШҲТнинг 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитидаги нутқида тузилманинг замонавий халқаро муносабатлардаги роли тобора ортиб бораётганини таъкидлаган эди.

“Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деган эди Ўзбекистон Президенти. — Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси биздан янада жипс бўлиш ва ташкилотимиз доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда”.

Бу галги раислик давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган халқаро ташаббуслар доирасида амалга оширилмоқда. Раислик даврида барча соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли масалаларни ҳал этиш учун турли даражадаги 80 дан ортиқ тadbир ўтказилиши режалаштирилган.

Хусусан, жорий йил Ўзбекистон раислигида ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Ҳужжат бу борадаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган. Битим нафақат туризм компоненти, балки тегишли соҳалар, жумладан, инвестицияларни жалб қилиш, таълим, ОАВ билан ишлаш ва бошқаларни назарда tutади. ШҲТга аъзо давлатлар туризм соҳасида ҳамкорлик дастурини амалга ошириш режаси билан бир қаторда ушбу битимнинг имзоланиши тегишли вазирликлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиради, аъзо давлатларнинг сайёҳлик

брендларини ўзаро асосда тарғиб қилишга, туристик хизматлар сифати ва хавфсизлигини оширишга, ушбу соҳадаги рақамли технологияларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташқи ишлар вазирлари кенгашида “ШҲТ эзгу ният элчиси” тўғрисидаги низоми лойиҳасини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Бу институти жорий қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил сентябрь ойида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган юбилей йиғилишида илгари сурилган эди. Мазкур тақлиф барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди ва унинг долзарблиги таъкидланди.

“ШҲТ эзгу ният элчиси” макрми ШҲТга аъзо давлатларнинг маданият ва санъат, адабиёт ва илм-фан, musiқа ва спорт соҳаларидаги таниқли арбобларига, жамоатчилик эътирофи, ҳурматиға сазовор бўлган кишиларга берилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида 50 та ташаббусни илгари сурди. Уларнинг деярли барчаси ташкилот аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ШҲТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. У жадал ривожланмоқда. Ташкилот 8 доимий аъзо давлатни, 4 кузатувчи ва 9 мулоқот бўйича шерик мамлакатни ўз атрофига бирлаштирган. 21 мамлакатдан иборат “ШҲТнинг катта оиласи” уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бормоқда. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади ва Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортигини қамраб олган. ШҲТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,2 миллиард кишини, яъни дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади.

Бу, албатта, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши Евроосиё ва, умуман, дунёда барқарор тараққиёт ҳамда хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутилиши кўрсатади.

“Дунё” АА

КОНСТИТУЦИЯГА МЕНИНГ ТАКЛИФИМ

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ЛОЗИМ

Ўткир ОЧИЛОВ,
юридик фанлар номзоди, доцент

Шу кунларда халқимиз, кенг жамоатчилик ўртасида конституциявий қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Қўллаб тақлифлар билдирилиб, уларнинг ҳар бири Конституциявий комиссия томонидан кўриб чиқилмоқда. Мен ҳам мана шу ислохотларга ўзимни дахлдор сезиб, Асосий қонунимизга тақлиф билдиришни жоиз билдим.

Ўзбекистон Конституциясининг 5-моддасига давлат рамзларининг қонунлар билан Ҳимоя қилиниши тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки Конституция давлатни дунёга танитадиган ҳужжат, у қўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳон миқёсида кенг ўрганилади. Давлат рамзлари Ҳимоясининг Конституция билан мустаҳкамланиши бундай Ҳимоянинг халқаро муносабатларда ва миллий миқёсда устуворлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари муқаддасдир. Улар давлат мустақиллигини, халқ ва давлатнинг иродаси, мақсадлари ва орзу-интилишларини ифодалайди. Давлат рамзларида конституциявий тузум хусусиятлари ўз аксини топади. Шунинг учун давлат рамзларини тасдиқлайдиган қонунларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларга конституциявий мақом берилиши мақсадга мувофиқ.

Давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик конституциявий тузумга, давлат суверенитетига, халқ ва давлат иродасига нисбатан ҳурматсизликни англатади. Давлат рамзларига ҳурматсизлик ва таҳқирлаш қандай ҳаракатларда ўз ифодасини топишни, улардан фойдаланишда эҳтиёткор муносабатда бўлиш лозимлигини қонунчилик билан белгилаш керак. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 215-моддасига мувофиқ, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат рамзлари соҳасидаги қонунчиликни давлат рамзларини Ҳимоя қилиш

нуқтаи назаридан қуйдагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, давлат рамзлари тасвири туширилган матодан йўлаклар, минбарлар, ўтириш учун мўлжалланган жиҳозларда, шунингдек, одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда улардан қоплама сифатида фойдаланиш тақиқланиши;

Иккинчидан, давлат рамзларидан маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қиладиган мазмунда ва маъносини бузиб талқин қилиб фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;

учинчидан, ранги ўзгарган, эскирган, шикастланган, йиртилган давлат рамзлари ва уларнинг тасвирларидан фойдаланиш тақиқланиши;

тўртинчидан, давлат рамзларидан тижорат мақсадларида фойдаланганда давлат рамзлари акс этган товар белгилари бир марталиқ фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларда, шахсий гигиена воситаларида, уларнинг ўрловлари ва қадоқларда ишлатилиши ман қилиниши;

бешинчидан, ташкилот, корхона, муассасалар рамзлари давлат рамзларига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги, уларнинг ҳужжатлари ёки реклама материалларининг рекевизитларига давлат рамзлари элементларини киритишга йўл қўйилмаслигини белгилаш.

Ўйлаймизки, Конституцияда давлат рамзларига мана шу мазмундаги муносабат муҳрланса, жамиятда ватанпарварлик руҳи ҳукмрон бўлиши, фуқароларимизда юртимиз ва бугунги ислохотларга дахлдорлик ҳисси юксалишига хизмат қилади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ДАСТУР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН 153 ТА ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Мақсад қоғоз ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишдан иборат

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Инсон қадрини улуғлаш юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг фаровон, соғлом ва мутаносиб турмуш кечириши учун қўлай шароит яратиш демакдир. Шу боис, мамлакатимизда фуқаролар ижтимоий Ҳимоясини кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди.

Халқимиз билан бамаслаҳат қабул қилинган Тараққиёт стратегиясидаги 100 та мақсаддан 34 тасида айнан адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида икки баробарга қисқартириш билан боғлиқ устувор вазифалар ўз аксини топган. Бу йўналишда белгиланган вазифалар ҳамда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг жойларда ижроси таъминлашни устидан доимий равишда парламент назорати йўлга қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йиллиқда бажарилиши юзасидан ҳисоботида кўриш мумкинки, мамлакатимиздаги барча ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бўлиб, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Зеро, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ўтган даврда 153 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Дастур доирасида адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида жами 3 миллион 434 минг фуқаронни доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишларга жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди. Меҳнат бозоридаги тенденциядан келиб чиқиб, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан 437,4 минг иш билан банд бўлмаган шахсга бандлик хизматлари кўрсатилди. Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига БҲМнинг 4 баробаридан ошмаган миқдорини давлат томонидан қўллаб бериш тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жорий йилда норасмий ишлаётган 450 минг фуқароннинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларнинг ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш чоралари кўрилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 774 та ташкилотда норасмий ишлаётган 2 мингга яқин фуқароннинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам берилди. Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан 103,3 минг хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Президентимиз ташаббуси билан ижтимоий Ҳимояга муҳтож, қўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар

ва ёлғиз қариялар, даромадини йўқотган вақтинча ишсиз фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Саховат ва қўмак” жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудий “Саховат ва қўмак” жамғармаларига 43 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Биргина жорий йилнинг июнь ойида республика бўйича 94,7 минг эҳтиёжманд оилага 5,7 минг тонна бепул ун ҳамда 10,9 миллиард сўм нақд пул тарқатилди. Бу Президентимизнинг ижтимоий Ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига эътибори ва ғамхўрлигининг ёрқин намунасидир.

Ҳозирги кунда “Ижтимоий Ҳимоя ягона реестри” орқали ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 2 миллион 108 мингга етган бўлса, 2022 йилнинг олти ойи давомида улар учун 987,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш мақсадида фуқароларни хорижий меҳнат миграциясига ташкиллаштирилган тарзда юборишни йўлга қўйиш, хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳақ-хуқуқларини таъминлашга ҳам қатъи эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 7197 фуқаро ташкиллаштирилган тарзда хориж давлатларига ишлаш учун юборилди.

Шунингдек, жорий йилда хорижга ишлаш учун кетиш истагида бўлган 28 минг 590 фуқаронинг 25 минг 387 нафари касбларга ва 3203 нафари касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитилди. 56 мингдан зиёд меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаро бандлиги таъминланди.

“Темир дафтар”га киритилган 605 мингта оила аъзолари касб-хунарга

ўқитилгани, тadbиркорлик фаолиятини бошлашига қўмаклашилгани тўғрисида оилавий шароити яхшиланиб, дафтардан чиқарилди. Ушбу дафтарга киритилган оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш чоралари кўрилди. Жумладан, 95,4 минг фуқаро доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 34,7 минг фуқаро тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Масалан, “Нуроний” жамғармаси маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб давлат бюджетидан ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. 2022 йил апрель ойида бошлаб “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваршишга муҳтож ва ёлғиз яшайдиган кексаларни ҳар йили бир маротаба санаторийда бепул соғломлаштириш белгиланди.

Пенсия тайинлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимларидан электрон шаклда олиш орқали қоғоз шаклида ҳужжат талаб этиш амалиёти босқичма-босқич бекор қилинмоқда. Бу ортиқча оворагарчиликнинг олдини олади. Зеро, 2021-2022 йиллар давомида пенсия тайинлашда 11 турдаги маълумотларни фуқаролардан талаб қилиш ҳақидаги амалиёт бекор қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга қўлайликлар яратиш, айрим масалалар ечимига қаратилган икки марта ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши мазкур масалага давлат томонидан қатъи эътибор қаратилаётгани ифодасидир.

66

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 94,7 МИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАГА 5,7 МИНГ ТОННА БЕПУЛ УН ҲАМДА 10,9 МИЛЛИАРД СЎМ НАҚД ПУЛ ТАРҚАТИЛДИ. БУ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИГА ЭЪТИБОРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИДИР.

Ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаётди. Хусусан, кам таъминланган оилалардаги болаларни парваршилаш учун туланидиган нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инobatта олинadиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача белгиланди. Ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 баробарга оширилган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий Ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Зеро, мазкур ҳужжат билан аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилиш стратегияси, унинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда бу стратегияни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Шунингдек, Молия вазирлиги таркибида юридик шахс макрмига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилмоқда. Энди ушбу жамғарма ҳисобидан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастурида белгиланган вазифалар қўлами ниҳоятда кенг. Шу жиҳатдан, унинг ҳар бир бандида белгиланган вазифалар ўз вақтида сифатли бажарилиши гоат мумкин. Эотан, дастурдан асосий мақсад қоғоз ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишдан иборат.



**Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати раиси**

Бошланиши 1-бетда

2022 йилда Ўзбекистон нафақат замонавий жаҳон тенденциялари ютуқларини қабул қиладиган ва моллаштирадиган, балки ўзи ҳам камид минтакавий кун тартибиди шакллантирганча юзага чиқадиган ҳаракатчан, янгиликларга очик ҳамда дунё ҳамжамиятининг доимий равишда ривожланиб боровчи аъзоси эканини намоён этмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт фалсафасини бирмунча ёрқин намоён қиладиган тўртта йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши

Ислохотларнинг эътироф этилган дастлабки ютуғи Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлардаги шиддатли юксалиш бўлди. Мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан муносабатларида янги давр бошланди ва бу шунчалар қисқа муддатда амалга ошдики, ҳатто дипломатия санъати дарслиқларига киритиш ҳам мумкин.

Тожикистон билан муносабатлардаги силжиш Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзолаш билан мустаҳкамланди. Энг муҳими, сиёсий силжиш оддий одамларга ижобий таъсир кўрсатди, чуқури фуқароларнинг сафари ва инсонпарварлик алоқаларини енгилаштирувчи визасиз тартиб киритилди. Ўзбек-тожик чегараларини аниқ белгилаш ва делимитациялаш, шунингдек, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича конструктив мулоқотда сезиларли ўзгаришларга эришилди.

Қирғизистон билан Стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация имзоланди. Томонлар чегараларини белгилаш ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон йўналиши бўйича транзит автомобиль ва мултимодал юк ташилини ташкил этишга оид ҳамкорлиқни фаоллаштирди. Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича самарали ишлар олиб боришда, бунинг амалга оширилиши транзит юк ташилининг кескин ўсишига хизмат қилади. Сувдан фойдаланиш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик ривожланмоқда. Бунга Жалолбод туманида Ўртаўқай (Косонсой) сув омборидан давлатлараро фойдаланиш тўғрисида тузилган битим мисол бўлади.

2016-2022 йилларда Қозоғистон билан муносабатларда кардошлик ва аҳил қўшничилик алоқалари тубдан янги босқичга кўтарилиб, янада мустаҳкамланди. 2021 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация имзоланган эди. Мазкур ҳужжатда томонларнинг Олий давлатлараро кенаш, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлари кенгашини таъсис этиш нияти ифодалangan.

Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил апрель ойида Ашхобда ва Туркменистоннинг янги Президенти Сердар Бердимухамедовнинг 2022 йил июль ойида Тошкентта таъсирли давомида Туркменистон билан эришилган келишувлар дўстлик, аҳил қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг янги Марказий Осиё вектори ҳақида гапирганда, улар сифат жиҳатидан яхшиланганининг бир қанча индикаторларини таъкидлаш мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари Ўзбекистонга сайёҳлик мақсади билан таъсир буюрувчи фуқаролар орасида изчил биринчиликни эгаллабди.

Ўзаро савдо-сотиқнинг ўсиши асосий индикаторлардан бири бўлиб хизмат қилди. Пандемияга қадар 2017-2019 йилларда Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан ташқи савдо айланмаси 2,05 дан 3,367 миллиард долларга, Қирғизистон билан 0,25 дан 0,829 миллиард долларга, Тожикистон билан 0,237 дан 0,497 миллиард долларга ва Туркменистон билан 0,177 дан 0,541 миллиард долларга ошди. Жами товар айирбошлаш ҳажми 5,234 миллиард долларни ташкил этди. Бу Марказий

Осиёни ўша пайтда Ўзбекистоннинг етакчи ташқи савдо шериклари орасида Хитой ва Россиядан кейин учинчи ўринга олиб чиқди. Охириги йилларда яратилган ижобий асосни эътиборга олган ҳолда яқин келажақда Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг энг йирик экспорт-импорт йўналишига айланишини башорат қилиш мумкин.

Минтакавий хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланишини минтақа давлатлари ўртасида ишонч ортиб бориши кўрсаткичи, деб ҳисоблаш тўғрисида бўлади. Буни Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг БМТ, МДҲ ва ШҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги тасдиқлаб турибди.

БМТ Бош Ассамблеясининг бир овоздан маъқулланган Оролбўйи минтақаларини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси бунга ибратли мисол бўла олади. Резолюция ташаббуси Ўзбекистонга тегишли бўлиб, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонни қиритган ҳолда 50 та давлат унинг ҳаммуаллифи сифатида чиқди. Шавкат Мирзиёевнинг минтақаларни бирлаштириш даражасини кескин ошириш имконини берган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари форматини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси давлатимиз раҳбарининг бу йўлдаги мақтовга сазовор хизмати бўлди. Бундай учрашувларнинг тўрттаси 2018 йили Нур-Султонда, 2019 йили Тошкентда, 2021 йили Туркманбошида ва 2022 йили Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтди. Бу учрашувларда Марказий Осиё учун долзарб турли муаммолар, кўп томонлама ҳамкорликка устуворлик берувчи масалалар муҳокама қилинади.

Инсон капиталига инвестициялар Учинчи Ренессанс пойдевори бўлади

Ислохотларнинг инсон тафаккурини ўзгаришга йўналтирилган уларнинг муҳим таркибий қисми сифатида юзага чиқди. Инсон капиталига сифати ҳар қандай модернизация ва иқтисодий муваффақиятнинг энг муҳим пойдеворидир. Бироқ бунинг ортда қуруқ формула ва мулоҳазалар эмас, аввало, асосида стратегик ғоялар туради. Ўзбекистон Президентининг Учинчи Ренессанс ғояси шулардан бири.

Унинг моҳияти шундан иборатки, бир томондан, қачонлардир замонавий Ўзбекистон ҳудуди ўз билимларини бошқа цивилизация ва халқларга берган жаҳон илмий, маданий ва маънавий тараққиёт маркази бўлгани тўғрисидаги хотира яшайдиган ўтмишга, маънавий-тарихий илдишларга, миллий ўзлигини англаш ва маданиятнинг чуқур қатламларида мурожаат қилади. Бундай интеллектуал гуллаб-яшнаш давлари биринчи “маърифат” Ренессанси (IX-XII асрлар) ва иккинчи “темурийлар” Ренессанси (XIV-XV асрлар) бўлган. Бошқа томондан, Учинчи Ренессанс ғояси ҳозир ва келажакка қаратилган. Дунёда халқлар иқтисодий ва фаровонлигини, уларнинг XXI асрдаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган ахборот-коммуникация соҳасидаги илгор билимлар асосида янги илмий-техник инқилоб кечмоқда. Ўзбекистон учун бу чорлов ва айна қалбда глобал тараққиёт авангардида киришнинг тарихий имкониятидир. Бироқ унинг асосларидан бири таълим тизими бўлиши зарур бўлган тикланишнинг учинчи даври доирасидагина юзага чиқади.

Модомики, узоқ муддатли мақсад аниқ бўларкан, унда таълим ислоҳоти мувофиқ равишда тизимли характерга соқ этди. Биринчи навбатда, мактабга таълимга юқори эътибор қаратила бошланди, чуқури айна болалик даврида билимга муҳаббат, маънавий ва эстетик тасаввурларга муҳим асос жойланди. Бу мақсадларга эришиш учун 2017 йили Мактабга таълим вазирилиги ташкил этилди ва 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида мактабга таълим тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Қабул қилинган қарорлар натижасида 2020 йилга келиб болаларни мактабга таълимга қамраб олиш 2015 йил кўрсаткичларига солиштирилганда кескин ортди.

Президентимиз 2020 йил декабр ойида Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2023 йил якунига қадар мактабга таълимга қамровни 75 фоизгача ошириш мақсадини қўйди. Бюджетдан ажратилган 600 миллиард сўм субсидияга 2 мингта нодавлат болалар бочаси ташкил этилиши режалаштирилган. Бу соҳада ҳусусий сектор улуши ҳам 25 фоизгача ўсиши кутулимоқда. Бунда жисмоний имконияти чекланган болалар учун мактаб ва мактабга таълимга бепул тайёргарлик тизимида алоҳида эътибор қаратилади.

Параллел равишда мактаб таълими сифатини ошириш бўйича кейинги чора-тадбирлар қўрилмоқда. 2022 йилдан методологик, институционал, инфратузилмавий характердаги бир неча йўналишларни ўз ичига оладиган мактаб таълими тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичи старт берилди. Биринчидан, бу янги методикалар асосида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларни мамлакат минтақалари ҳамда ҳар бир тумандаги мактабларнинг 20 фоизга таътиб қилиш дастуридир. Молиялаш ҳажми 100 миллион доллар қилиб белгиланган. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ижтимоий мақомини ошириш ва уларнинг даромадларини кўтариш юзасидан чора-тадбирлар ҳам қўрилади. Ислохотлар мактаб директорларига ҳам дахлдор — янги ўқув йилидан бошлаб уларни сертификатлаш тизими киритилади, шу асосда бу лавозимга



номзодлар сараланади. Иккинчидан, мактабларни таъминлаш ва уларни замонавий компьютер технологиялари, юқори тезликдаги интернет билан жиҳозлаш муаммолари ҳал қилинади. Учинчидан, замонавий давр талабларини инобатга олган ҳолда 193 та таълим муассасаси негизда табиий ва аниқ фанлар йўналиши бўлган мактаблар ташкил этиш режалаштирилган. Тўртинчидан, мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилашнинг янги концепцияси ишлаб чиқилади.

Пойтахтимиз ва ҳудудларда ёш истеъдодларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятини максимал даражада очиб бериш мақсадида кўп тармоқли илгор таълим муҳитига интеграциялашга иктисослашган Президент мактаблари пайдо бўлаётгани алоҳида эътиборга молик. Бундан ташқари, охириги йилларда Ўзбекистонда нодавлат мактабларнинг ривожланган тармоғи пайдо бўлди.

Ёш авлоднинг олий махсус таълим олишга ўсиб бораётган истаги фонида олий таълим тизими жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. 2020 йилда Ўзбекистонда олий ўқув юртиларига кириш учун ариза беришнинг энг юқори қўрсаткичи — деярли 1,5 миллион абитуриент қайд қилинди.

Олий таълим тизимида барча учун тенг ва сифатли таълимни тақдим этиш, шунингдек, гендер тенглик тамойиллари фаол таътиб этилмоқда, олий таълим муассасаларига киришда кам таъминланган оилалардан бўлган қизлар учун грантлар миқдори икки баробар оширилди. Бундан ташқари, давлат университетларига академик ва бошқарува мустақиллигини тақдим этиш чора-тадбирлари бажарилди. Ҳозирча 35 та университет академик ва молиявий мустақиллиқни олди, бу рўйхат кенгайиб боради.

Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат

Ислохотларнинг фарқли жиҳати уларнинг яққол ифодаланган ижтимоий йўналгани, инсонга, унинг эҳтиёжларига яқинроқ бўлишга интилиши, одамларнинг тез ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашишга қўмаклашиш, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдан иборат.

Узоқ йиллар таққиланган камбағаллик муаммоси айнан Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилди ва кўп ҳолларда мамлакатнинг ижтимоий сиёсати стратегиясини белгилаб бошлади. Давлатимиз раҳбари илк бор бу мавзуга ўзининг 2020 йил 24 январда парламентга Мурожаатномасида тўхталиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами умумий аҳоли миқдорининг 12-15 фоизини ёки 4-5 миллион кишини ташкил этишини таъкидлади. Айнан шу вақтдан бошлаб камбағалликни қисқартириш муаммосини ҳал қилишга мажмуавий ёндашувларни ишлаб чиқиш бошланди. Даставвал, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси тизимисидда Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими пайдо бўлди. Ўз навбатида, Давлат статистика қўмитаси мамлакатда камбағаллик чегарасини аниқлашда кўрсаткич ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда роль ўйнайдиган ўй хўжалиқларини ўрганиш натижалари бўйича аҳолининг энг кам истеъмол харажатларини ҳисоблашни бошлади. Бундан ташқари, Жаҳон банки ва БМТ экспертлари билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартириш мақсадларини аниқлаш учун 2021-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида камбағалликни қисқартириш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 27 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги қуйдаги фикри камбағаллик билан курашишга мажмуавий ёндашув моҳиятини яққол тасвирлайди: “*Камбағалликни қисқартириш иш ҳақи ёки нафақалар миқдорини ошириш, оммавий кредитлар бериш*” *ангапмайди. Аввало, аҳолини касб-хунарага ўргатиш, молиявий саводхонлигини ошириш,*

аҳолини тадбиркорлик билан шугулланишга ундаш, инфратузилмани, таълим ва даволаш сифатини яхшилаш, манзилли кўмак бериш тизимини жорий этиш зарур”.

Камбағалликни қисқартириш муаммосини айнан шундай тушуниш бугунги кунда янги иш ўринлари яратиш, ходимлар малакасини ошириш, ўзининг кичик ёки оилавий тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлган одамларни касбга ўргатиш ва қўллаб-қувватлашга эътибор қаратадиган, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, ҳокимликлар юридадиган фаолият бўйича қабул қилинадиган чора-тадбирлар мантигини белгилайди.

Мажмуавий ёндашув аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлашни ҳам ўз ичига олади. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтери” ва “Ёшлар дафтери”ни яратиш, ягона ижтимоий реестр орқали муҳтожларга ёрдам кўрсатиш каби ташаббусларни алоҳида таъкидлаш керак. Қўрилган чора-тадбирлар шарофати билан ижтимоий пенсия ва нафақа олувчи оилалар миқдори икки баробар ошди.

Ижтимоий давлатни одамлар учун қулай яшаш муҳитини, ривожланган маҳаллий инфратузилмаларни яратмай ва фуқароларни арзон уй-жой билан таъминламай туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Охириги йилларда Ўзбекистонда бу йўналишларда жуда кўп ишлар қилинди. “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Президентини бу дастурларнинг ижтимоий мезони тўғрисида бундай деди: “**Агар маҳалла обод қилинса, бутун мамлакат обод бўлади. Агар маҳалла ўзгарса, бутун жамият ўзгаради**”.

Шунингдек, ислохотлар давомида кам таъминланган фуқароларни турар жой билан таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бу ижтимоий тенгсизлик муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ вазиятга ижобий таъсир қўрсатади. Арзон уй-жой дастури доирасида нафақат шаҳар ва қишлоқларда қўллаб янги уйлар қурилмоқда, имтиёзли ипотека кредитлари ҳам тақдим этилмоқда. 2021 йил 1 мартдан Ўзбекистонда кам таъминланган ва турар жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқаролар учун субсидия бериш бўйича хизматлар иш бошлади.

Инсон ҳуқуқлари — давлат ислохотларининг сиёсий вектори сифатида

Замонавийлашиш, ижтимоий-иқтисодий ва илмий силжишни мақсад қилган жамиятни инсон ҳуқуқлари ва либерал эркинликларнинг ҳақиқий ташувчиси бўлган масъулиятли фуқарони шакллантирмай туриб тасаввур қилиш қийин. Шу муносабат билан Ўзбекистон ислохотларида аввал-бошданқоқ жамият ҳаётининг барча жабҳаларини либераллаштиришга катта эътибор қаратилгани тўғрисида бўлади.

Биринчи навбатда, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришилди, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар қўринишидаги эркин ахборот майдони пайдо бўлди. Буларнинг барчаси замонавий демократиянинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 27 июнь кунини маъбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригидега сўз ва ОАВнинг кадр-қиммати ҳамда аҳамиятини алоҳида

эътироф этиб, биз қўраётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги ҳамisha Конституция, қонунлар ва Президент ҳимояси остида бўлишини қайд этди. Шунингдек, ОАВ ходимлари қўнуний фаолиятини эркин амалга оширишига тўқинлик қилиш демократик ислохотларга қарши чиқиш ва Ўзбекистон нуфузига зарар етказиш сифатида баҳоланиши таъкидланди. Президент депутатларга ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини яратиш ва олиб бораётган ишлари юзасидан маълумотни жойлаштириши тўғрисида мурожаат қилди ва ҳокимларга ижтимоий тармоқлардаги саволларга ҳар куни жавоб бериш вазифасини қўйди.

Ислохотларнинг энг муҳим ютуқлари орасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилгани, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ратификация қилиниши, экстремизмда шубҳа қилинаётганлар “қора рўйхат”дан чиқарилиши, пропискиа тизими ислоҳ бўлиши ва фуқаролик бериш тартиби соддалаштирилишини келтириш мумкин. Ўзбекистоннинг тан олинган ютуғи Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ўзбекистон 2021 йили пахтачиликда ишлаб чиқариш циклидан мажбурий ва болалар меҳнатини йўқ қилишга муваффақ бўлди”, деб эълон қилгани, натижада Cotton Campaign коалицияси ўзбек пахтасидан ўн йиллик глобал бойкот олиб ташланганини эълон қилиши, шу билан Ўзбекистон тўқимачилик тармоғига кийим-кечак ва ритейлерларнинг етакчи жаҳон брендлари кириб келиши учун шароит яратилгани бўлди.

Мамлакатда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилингани ва Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилгани инсон ҳуқуқлари нияти ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқдир. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида аёлларнинг фаол иштироки ортиб бормоқда. Парламент сайлови якунлари кўрсатишча, хотин-қизлар барча сайланган депутатларнинг 32 фоизини ташкил этди.

Хулоса

Бугун мамлакатимизда ислохотлар жадаллашди ва Ўзбекистон янги тараққиёт йўлига қадам қўйди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маърифий-маънавий муҳит тақомиллашиб, серқирра бўлиб бораётганини аңглатади. Шундай экан, жараёнларни узлуксиз тахлил қилиш, зарур ҳолларда ўзгаришни киритиш, бошқарувни тақомиллаштириш ва ривожланишнинг янги манбаларини креатив тарзда аниқлаш долзарб вазифага айланди.

Шунинг учун Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилиниши ва конституциявий ислохотлар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган эҳтиёждир. Шунингдек, асосий концепти “инсон — жамият — давлат” бўлган ислохотлар фалсафасининг кейинги эволюцияси табиий қўринад.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги асосий мақсад ҳар бир фуқароннинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, унинг қўнуний манфаатлари ва фаровонлиги таъминланадиган, келгусида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш амалга оширилмадиган халқ ва инсонпарвар давлатни барпо этиш ҳисобланади. Бу мақсад “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепцияси, шунингдек, давлат органлари ишнинг асосий таъмоили бўладиган қўнун устуворлиги ва адолатли ижтимоий сиёсат тамойиллари асосида жамиятни маънавий ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Янги йўналишда аввалгидек биринчи ўринда эътибор иқтисодиёт, ҳусусий тадбиркорлик, инсон капиталини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилди.

Бу каби ислохотлар жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантириш, биз танаглан йўл ортга қайтмас тус олганини амалда есибтлаш имконини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, олдимиздаги олий мақсадларни амалга оширишнинг ижобий натижаларини ҳар бир юртодошимиз яқин йилларда ўз ҳаётида ҳис қилиши таъкид, албатта.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

БИРИНЧИ ЙИРИК ГАЗ-КИМЁ КЛАСТЕРИ
маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш орқали саноат ривожининг янги уфқларини очади

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, ушбу ҳужжатларга мувофиқ, “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўртасида имзоланган меморандумга кўра, корхонанинг Экоаналитик лабораториясида таянч докторантларнинг илмий ишлари юзасидан амалиёт ўташларига шароит яратиб берилган. Қарангки, ушбу ҳамкорлик самараси узоқ куттирмади. Гап шундаки, яқинда университетнинг кимё факультети таянч докторанти Ш.Тўраев “Алифатик карбон кислоталарнинг алкиламид ҳосилалари синтези ва хоссалари” мавзусидаги докторлиқ (PhD) диссертацияси доирасида илк бор янги органик бирикмаларни синтез қилишга муваффақ бўлди. Яъни трифторсирка ҳамда монохлорсирка кислоталари фталимидоэтил эфирининг ацетондаги эритмалари лаборатория шароитида оқова сувни зарарсизлантириш учун текшириб кўрилди. Таҳлил натижаларига кўра, 1 фоизли эритма оқова сувни зарарсизлантиришда самарадорлиқни намён қилди. Бу мазкур препаратларни оқова сувни микроорганизмлардан тазалашда қўллаш мумкинлигини аналитади.

Аслида ушбу илмий ишланма ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Унга, яъни галдаги илмий янгиликка Ўзбекистонимизнинг газ-кимё саноатидаги йирик ва етакчи, иқтисодийетимизда ўз ўрнига эга бўлган Шўртан газ-кимё мажмуасида содир бўлгани учун тўхталдик. Чунки мақоламиз айна шу мажмуада амалга оширилаётган ишлар, ўзгаришлар ҳақида. Юқоридаги изланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва аҳамияти исботланиб, амалиётга тўлиқ таътиқ этилган, батафсил ёзармиз. Лекин шуниси аниқки, Шўртан газ-кимё мажмуаси эшиклари бундай иқтидорли ва изланувчан мутахассисларга доим очик. Жамоа мамлакатимиз нефть-газ ва кимё саноати учун муҳим бўлган самарали, фойдали ҳамда истиқболли лойиҳаларни фаол қўллаб-қувватлайди. Бунга мажмуа фаолияти билан танишув жараёнида ўзимиз гувоҳ бўлдик. Бинобарин, бугун бу ерда амалга оширилаётган ҳар бир ташаббус ёки лойиҳага алоҳида тўхталсак арзийди.

Қўшимча 550 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади

Мамлакатимиз нефть-газ саноатидаги янгиликларни кўпчилик соҳага дахлдор расмий манбалардан доим кузатиб бора керак. Бу жараёнда нефть-газ саноати мутахассислари доимий изланиш ва ҳаракатда эканини билиб олишяпти ҳам. Чунки манбаларда кунда-кунора нефть-газ саноатига оид “янги газ кони топилди”, “нефть қудуги



қазилди ёки янгиланди”, “шунча газ қазиб олинди, шунчаси истеъмолчиларга етказиб берилди” каби қўллаб ҳабарлар бериб борилади. Масалан, “Ўзбекнефтегаз” АЖ сайтидаги мана бу янгиликни олайлик. Қайд этилишича, углеводородларни қазиб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши натижасида жорий йилнинг январь-июнь

ойларида 42 та қудуқ бурғилашдан, 416 та қудуқ мукаммал таъмирлашдан чиқарилиб, 14 та технологик объект ишга туширилган. Ушбу чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши натижасида қўшимча 906,9 миллион метр куб табиий газ, 24,8 тонна газ конденсати ҳамда 1 минг 20 тонна нефть қазиб олинган.

Изчил геологик-техник чора-тадбирлар ҳамда мавжуд қудуқларнинг самарали ишлатилиши туфайли “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан нефть ва газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш режа кўрсаткичлари урдаланган. Хусусан, табиий газ 16 521,1 миллион метр куб (режага нисбатан 100,1 %), нефть 50,5 минг тонна (100 %), конденсат 723,4 минг тонна, (105,6 %), суьоптирилган газ 340,7 минг тонна (106,6 %), олтингургут 118,8 минг тонна (102,2 %), автобензин 466 минг тонна (110,6 %), дизель ёнлиғиси 127,2 минг тонна (105,7 %)ни ташкил қилган.

Ҳабар вақт нуктаи назаридан янги эмас, албатта. Унда келтирилган рақамлар бир ой олдинги кўрсаткичлар. Лекин унинг ортда қанча меҳнат ётибди. Саъй-ҳаракатларнинг иқтисодийетимизга келтирадиган фойдаси ва аҳамияти эса янада залварли. Бугун дунё бозорида углеводород ёнлиғиларига талаб ҳар қачонгидан ортиб, қадри баланд бўлиб бораётганини инобатга олсак, соҳа-

доллари эса хорижий банклар кредитларидир. Лойиҳа туфайли йилга қўшимча 550 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 156 миллион долларлик импорт ўрнини қўллаш имкони пайдо бўлади. Яратиладиган иш ўрни эса 800 та. Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда полиэтилен ҳамда полипропилен ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтирилиб, юртимизда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш учун замин яратади.

Нефть-газ соҳасидаги илк корхона ва илк кластер

Шўртан газ-кимё мажмуаси — мамлакатимиз нефть-газ саноатидаги қалдирғоч корхона. У Шўртан газ конденсати кони негизда барпо этилган. Худуди 150 гектар. Мажмуа ишга туширилган сана — 2002 йилнинг август ойи. Шундан буён мажмуа жамоаси самарали фаолият юритиб келмоқда. Ҳозир бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 4 минг кишига етиб қолди.

Мажмуада ўтган йиллар давомида 80 миллиард метр газ қайта ишланиб, 2,4 миллион тонна полиэтилен, 4 миллион тонна суьоптирилган газ ва конденсат каби маҳсулотлар ишлаб чиқа-



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

даги ҳар қандай муваффақиятни иқтисодийетимиз барқарорлиги ва ҳалқимиз фаровонлиги йўлидаги ютуқ сифатида қабул қилсак арзийди. Жумладан, “Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар бугун кўпчиликда қизиқиш уйғотаётгани аниқ. Зотан, ушбу лойиҳа Ҳузор туманида ўтган йили ишга туширилган мегалойиҳа — “Uzbekistan GTL” заводи билан дахлдор. Бири бирини тўлдириб туради.

— Мазкур лойиҳа ҳақида Президентимиз “Uzbekistan GTL” заводининг тантанали очилиш маросимидаги нутқда алоҳида тўхталиб, унинг аҳамиятини таҳлил қилиб берган эди, — дейди “Шўртан газ-кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари Шокир Эшмуродов. — Яъни бу лойиҳалар орқали Ўзбекистонда янги саноат даври яратилаётганини айтганди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа асосида ишлар жадал олиб боришмоқда. 66 гектар майдонда амалга оширилаётган лойиҳа туфайли “Uzbekistan GTL” заводидан келадиган йилга 430 минг тонна нафта ва табиий газ таркибидagi этанни қайта ишлаш имкони вужудга келади. Натижада 280 минг тонна янги турдаги бимодал марказли полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 50 минг тоннагача пиролон дистилляти ишлаб чиқарилади.

Лойиҳанинг дастлабки қиймати 1,84 миллиард доллар бўлиб, шундан 629 миллион доллар “Ўзбекнефтегаз” АЖ маблағи, 1,21 миллиард

рилган. Шундан юртимиз саноат корхоналарига 1,6 миллион тонна полиэтилен етказиб берилиб, қарийб 2 миллиард долларлик импорт қисқартирилган, 900 миллион долларлик 800 минг тонна полиэтилен экспорт қилинган. Бугунги кунда Шўртан газ-кимё мажмуаси Қашқадарё вилояти ҳудудий маҳсулотининг 8 фоизини, саноатининг 17 фоизини таъминламақда.

Ушбу мажмуа мамлакатимизда газ-кимё ва полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаси ривожини, минглаб кичик саноат корхоналарини барпо этишга асос бўлгани эътирофга лойик. Таҳлилларга кўра, тайёр пластмасса маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар сони қарийб 1 минг 700 тага етди. Ҳар бир корхонада ўртача 10 тадан иш ўрни яратилди, деб олсак, бу рақам ҳам чакки эмас — 17 минг кишининг бандлиги таъминлангани аналлашлади.

“Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш” инвестиция лойиҳаси сабаб юртимизда биринчи йирик газ-кимё кластерига асос солинади. Ушбу кластерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 290 миллион доллардан 2025 йилда 1,8 миллиард долларга етказилади, яъни 6 баробар ошади. Табиий газни чуқур қайта ишлаш даражаси қарийб 2 баробар қўлайиб, ҳозирги 8 фоиздан 14 фоизга етади. Шунингдек, мамлакатимизда полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 2 баробар ошади.

Ўз навбатида, уларни янада чуқур қайта ишлаш орқали 2 баробаргача кўп истеъмол маҳсулотлари

ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Мисол учун, 100 миллион долларлик полимерлардан электротехника, қурилиш материаллари, автомобиль саноати ва бошқа соҳаларда йилга қўшимча 200 миллион долларлик хариддоригр маҳсулотлар тайёрланади. Шунингдек, пластмасса ва ҳар хил турдаги қадқоқлаш буюмлари, сув таъминоти учун қувурлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Яъни ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган яна камида 1 минг 200 та янги хусусий корхона ва 12 мингта иш ўрни ташкил этилиши учун асос яратилади.

Бўлар оддий рақамлар эмас. Шўртан газ-кимё мажмуасининг бугунги ишлаб чиқариш қувватларини 3 баробар кенгайтирувчи, демакки, иқтисодиётимиз ва унинг бошқа тармоқларида қўшимча имкониятларни юзага келтирувчи рақамлардир.

“ МАЖМУАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ БАРҚАРОР. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ ЕРДА 4 МИЛЛИАРД МЕТР КУБ ХОМАШЁ ГАЗИ, 3 МИЛЛИАРД 372 МИЛЛИОН МЕТР КУБ ТОЗАЛАНГАН ТАБИЙ ГАЗ, 205 000 ТОННА СУЮҚ УГЛЕВОДОРОДЛАР, 107 300 ТОННА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ, 97 700 ТОННА ГАЗ КОНДЕНСАТИ, 125 000 ТОННА ПОЛИЭТИЛЕН ГРАНУЛАСИ, 1000 ТОННА ОЛТИНГУГУРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Умуман олганда, янги кластер ишга тушиши натижасида Ўзбекистон саноати технологик жиҳатдан бир неча қадам илгарилайди. “Uzbekistan GTL” заводининг тантанали очилиш маросимидаги нутқда давлатимиз раҳбари бу ҳақда фикр билдираркан: “...Янги кластер корхоналари нафакат нефть-газ-кимё соҳаси, балки республикамизнинг барча саноат тармоқлари учун технологик ва лойиҳалаштириш ечимлари ва стандартлари, замонавий бошқарув ва IT технологиялар йўналишлари бўйича яққол намуна бўлади. Биз бу орқали мазкур замонавий мажмуа атрофида янги юқори технологик хизматлар тизимини ташкил қиламиз.


Албатта, янги корхоналар илм-фан ва инновациялар учун ҳам самарали майдонга айланади. “Шўртан газ-кимё” кластеридаги замонавий лаборатория ва жорий этилган илгор технологиялар ёш олимлар учун илмий изланишларни олиб бориш ҳамда янги инновацион маҳсулотлар ва технологик жараёнларни яратишга катта имконият беради”, дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, ушбу янги мажмуаларнинг ишга туширилиши нафакат Қашқадарё, балки республикамиз иқтисодиёти юксалишига катта таъсир кўрсатади. Нимага? Чунки таҳлиллар жаҳон бозорида табиий газни қайта ишлаш орқали олинаётган қўшимча қийматли маҳсулотларга



талаб тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз нефть-газ ва кимё саноатида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар, амалий саъй-ҳаракатлар фақатгина ҳозирги кун ёки давр учун эмас, балки келажақ учун ниҳоятда аҳамиятлidir.

Қашқадарё замини табиий ресурсларга, хомашё захираларига бой. Охирги йилларда вилоятда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида саноатнинг тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм, электротехника, озиқ-овқат каби соҳаларида ҳам қўллаб-қувватланган амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Натижада сўнгги уч йилда вилоятда тайёр саноат маҳсулот-



лари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ошган. Мазкур жараёнда Шўртан газ-кимё мажмуасининг иштироки алоҳида эътиборга молик, албатта.

Газ фақат ёқиш учун эмас!

Бугун мамлакатимиз нефть-газ саноатида қилинаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қувонарлиси, соҳадаги ҳар бир лойиҳа аниқ мақсадини кўзлаган. Шўртан газ-кимё мажмуасидаги ишлар бунинг яққол тасдиғидир.

Мажмуада ишлаб чиқариш жараёни барқарор. Хусусан, жорий йилда бу ерда 4 миллиард метр куб хомашё газ, 3 миллиард 372 миллион метр куб тозаланган табиий газ, 205 000 тонна суьқ углеводородлар, 107 300 тонна суьоптирилган газ, 97 700 тонна газ конденсати, 125 000 тонна полиэтилен грануласи, 1000 тонна олтингургут ишлаб чиқариш режалаштирилган.

— Уйлайманки, бу марралар забт этилади, — дейди мажмуанинг ишончилиқини бошқариш хизмати бошлиғи Акбар Қурбонов. — Чунки бизда ҳар бир технология ва ускунанинг барқарор ишлашига катта эътибор қаратилади. Улар босқичма-босқич таъмирланиб, модернизация қилиб борилади.

Дарҳақиқат, корхона фаолияти билан танишиб, бу ерда меҳнат қилаётган мутахассислар билан фикрлашиб амин бўлдикки, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва унинг ёнида амалга оширилаётган лойиҳаларни келажақ сари қўйилган дадил қадмлар сифатида кўриш мумкин. Зеро, бу ерда илм-фаннинг улкан қўққилари, замонавий техника ва технологиялар жамланмаси, юксак тафаккур ва билимлар уйғунлиги муҳассамдир. Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аллақачон ўз харидори ва бозорини топиб улгурган.


Мажмуадан чикар чоғимиз мажмуа бош директори ўринбосари Шокир Эшмуродов яна бир гапни айтиб қолди: “Биласизми, жамоамиз билан табиий газдан биринчи ўзбек полиэтиленини ишлаб чиқариб, буни танишларимга айтганимда, уларнинг кўпчилиги ишонмай, “газ фақат ёқилади-ку, ундан қўриш, ушлаш мумкин бўлган башқа маҳсулот олиш мумкинми”, деганга ўхшаш фикрларни билдирганди. ...”

Бу табиий ҳол эди. Чунки биз шу пайтгача газни фақат ёқиш учун ишлатардик ёки конни сотардик, холос. Ваҳоланки, у бизга табиатнинг бебаҳо инъоми, катта бойлик. Мана, йигирма йилдирки, ундан иқтисодиётимиз ва аҳтйежимиз учун зарур турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти. Сўнгги йилларда эса бу жараён кескин жадаллашяпти. Илм-фан ривожланмоқда. Демак, келажақда яна қўллаб-қувватланган лойиҳаларни кутаверамиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Акбар РАҲМОНОВ
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

БУНЁДКОРЛИК

Бугун қарийб ҳар бир хонадонда автомобиль бор. Автомобиллар кўпайгани сайин эса йўлларимизнинг ўтказувчанлик хусусияти пасайиб, уларни кенгайтириш, кўприклар барпо этишга эҳтиёж ортиб бораверади. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида сўнгги йилларда кўплаб иншоотлар барпо этилаётганининг бош сабаби ҳам одамларнинг вақтини тежаш, узоғини яқин қилиш, тирбандликларни олдини олишдан иборат.

ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧ
тирбандликлар олдини олиб, узоғимизни яқин қилад

Зангиота туманининг Назарбек шаҳарчаси ҳудудидаги тўқизта маҳаллада 32 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилад. Уларни бир неча йилдан буён ушбу ҳудуддан ўтувчи темир йўл ва автомобиль магистрални кесиммасида вақти-вақти билан юзага келадиган тирбандлик қийнаб келаётган эди.

Мазкур автомобиль йўналиши билан кесилган темир йўлдан ҳар кўни юк поездлари ўтади. Поезд қатнови туфайли автомобиль йўли маълум вақт ёпилади. Баъзида тепловознинг йўлни алмаштириб олиши учун 10 дақиқа вақт кетади. Айниқса, эрталаб ва кечкурун йўлнинг ёпилиши натижасида Тошкент шаҳрига ишга бораётган ва қайтаётган аҳоли, автотранспортларидан иборат тирбандлик ҳосил бўлади.

Ушбу ҳудуддаги аҳолидан тушган кўплаб мурожаатлар натижасида Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги тегишли фармойишига асосан, мазкур автомобиль йўлининг 3 километридаги темир йўл устидан йўл ўтказгич қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра, “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси буюртмачи сифатида белгиланди. Лойиҳаси эса “Йўл — лойиҳа бюроси” масъулияти чекланган жамияти тайёрлади. Бош пудратчи этиб “Кўприққурилиш трести” унитар корхонаси тарихидаги 13-кўприққурилиш отряди танланди.

Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, янги йўл ўтказгични темир йўл остидан тоннель шаклида ўтказиш самарали деб белгиланди. Шундан сўнг умумий узунлиги 398 метр, кенглиги 22 метр, кўприк ости баландлиги эса 7 метр бўлган тоннель типидagi йўл ўтказгич, тоннель устидан ўтувчи 3 изили, узунлиги 32,25 метр, кенглиги



18,5 метр бўлган темир йўл кўприги ҳамда 28 метр узунлик, 12,5 метр кенгликдаги автомобиль йўли кўпригини қуриш режалаштирилди.

— 2021 йилнинг сўнгги ойларида ушбу йирик лойиҳанинг дастлабки қурилиш ишлари бошлаб юборилди, — дейди 13-кўприққурилиш отряди муҳандиси Зафаржон Иргашев. — Дастлаб тажрибали мутахассисларимиз билан лойиҳанинг ҳар бир жиҳатини пухта ўрганиб,

замонавий техникаларда тупроқ ишларини бажардик. Шундан сўнг мустаҳкам темир-бетон пойдеворлари босқичма-босқич тайёрланди. Айни пайтда ер ости йўл ўтказгичининг пойдеворларида қурилиш ишлари тугатилиб, лойиҳа доирасида навбатдаги юмушлар бажарилмоқда. Ҳозирда бу ерда 50 нафарга яқин тажрибали мутахассис билан янги кўприк қуриш ишларини олиб бораёмиз. Қурилиш объектига зарур бўлган темир-бетон

маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Бугунги кунгача лойиҳа доирасида геодезия ишлари ҳам амалга оширилиб, қурилиш ҳудудига тушган коммуникацияларни қўчириш ҳамда вақтинчалик темир йўл изи қурилмоқда. Иншоотнинг тоннель қисмида пойдевор қазиб ишларининг тўртдан бир қисми бажарилиб, 94 дона темир-бетон блоклари монтаж қилинди. 12 та манзилда котлованлар қайта қўйилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, айни пайтда Назарбек шаҳарчасига олиб борувчи автомобиль йўли билан кесилган темир йўл ҳудуди катта қурилиш майдонига айланган. 2023 йилда якунланиши режа-лаштирилаётган ушбу замонавий кўприк фойдаланишга топширилгач, 32 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ва ҳайдовчиларнинг қимматли вақти тежаллади, тирбанд-лиқнинг олди олинди, экологиянинг ҳолати янада яхшиланади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,
журналист**

30 ИЮЛЬ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

2021 йил 10 февралда Президентимиз “Халқлар дўстлиги” кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунни имзолади. Шу муносабат билан 30 июль — Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги” кунини деб эълон қилинди. Иккинчи йилдирки, ушбу кунда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинчлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатликда яшаётганини байрам қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР РАСМАН 1992 ЙИЛДА ЎРНАТИЛГАН. АСЛИДА БУ ИККИ ХАЛҚНИНГ ДЎСТЛИГИ 1937 ЙИЛДА 70 МИНГДАН ОРТИҚ КОРЕЙС ОИЛАСИ МАЖБУРАН ЮРТИМИЗГА ОЛИБ КЕЛИНГАНИДАН БОШЛАНГАН.

ВАТАНИ БИРНИНГ — ТИЛАГИ БИР, ТИЛАГИ БИРНИНГ — ЮРАГИ БИР



Мейербек ЭРГАШБОЕВ, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик таъкилотининг Халқ дипломатияси маркази бош мутахассиси

Миллий сиёсатимиз ўз йўналишлари бўйича демократик ва концептуал, илғор ва яратувчандир. Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар барқарор суруятларда ривожланмоқда. Ҳар бир миллат, этник гуруҳ бундай вазиятда жамият ва давлат олдидаги масъулиятини янада чуқур англамоқда.

Жаҳоннинг демократик, кўп миллатли давлатларига назар ташласак, уларнинг барчаси полиэтникаликни сақлаш ва жамиятдаги демократик механизмларни мустаҳкамлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтганини кўришимиз мумкин.

Дунё тарихий таърибаси кўрсатадики, қайси босқичда, қандай шароитда бўлмасин, халқлар ўртасидаги бирдамликни таъминлаш давлат ва жамият учун муҳим масала бўлиб қолаверади. Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги таърибаси халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, мамлакатимиз бирлиги ва бирдамлигини қанча эътироф этсак ҳам. Мустақилликнинг ўтган йилларида ўзбекистонликлар ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик ва миллий ўзига хосликни таъминлашнинг намунавий моделини яратди.

Тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаётганимиздан кейин унинг давомчили бўлиш ҳам фуқаролик бурчимиздир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бугун биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни кўйдик. Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислохот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгариллаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустақкам асосидир”.

Ўзбекистон жамиятининг муваффақияти фуқароларнинг миллатлараро муносабатлар маданиятини қадрлаши билан боғлиқ. Бунга мамлакатимиз мустақилликнинг илк даврларидан дунёвий, ҳуқуқий давлат шаклида ривожлана бошлагани, ҳар бир шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияда қамқоғилгангани катта таъсир кўрсатади.

Бугун, афсуски, давлат тузуми мувозанати бузилган, фаровонлиги йўқолган мамлакатлар сони анчагина. Жаҳон дипломатиясининг айрим илғор моделлари ҳам йиллар мобайнида давом этиб келаётган динлараро ва миллатлараро низолар алангасини ўчира олмаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Миллатлар ва халқларни бирлаштирувчи тарихий омил умумий ғоялар ва қадриятларни шакллантиради. Узоқ йиллар мобайнида бир тупроқда яшаган халқлар орасида ўз-ўзидан қарама-қаршиликлар пайдо бўлмайди. Фақат қандайдир сиёсий режага эга бўлган фаоллар ўз кўзлаган мақсадларига эришиш учун улар ўртасида низолар келтириб чиқариши мумкин.

Ўз юрти тинчлиги учун қайғурадиган ҳар бир фуқаро ҳар қандай шароитда ҳам юрт тинчлигини бузадиган иш тутмаслиги керак. Бироқ бузғунчиларнинг ҳийла-найрангларидан қўтулиш осон эмас.

Барчамиз унутмаслигимиз лозим: кўп миллатлигимиз олдимизга ҳеч қандай тўсиқ қўймайди, аксинча, миллий тотувликни гўзал намойиш этишимиз билан бутун дунёга ўрناк эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Бу мустақиллигимизни асраб-авайлаш йўлидаги асосий йўналишимиз бўлмоғи даркор.

Ўзбекистон жамиятининг яхлитлиги ва барқарорлигини сақлашнинг ягона йўли барча ўзбекистонликларнинг сиёсий онгини умумий фуқаролик қадриятлари асосида шакллантиришдир. Ҳар бир фуқаро ўзини, аввало, ўзбекистонлик, ўз миллати фарзанди, деб ҳис қилгандагина миллатлараро муносабатларнинг юксак маданияти шаклланади.

Шундагина давлатда чинакам миллий тотувлик, сиёсий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мумкин. Халқлараро мулоқотнинг юксак маданияти тамойилларига амал қилган шахс одатда ижтимоий фаол, истикболли, келажакка ишонч билан қарайди. Этник гуруҳлар ўртасидаги тотувлик — ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёрлиги ва дўстлик ришталарида ифодасини топтоғи лозим.

Халқлар дўстлиги давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим масаладир. Кўп миллатли давлатда иқтисодий ривожланиш суръати юқори даражада бўлади. Чунки кўп миллатли давлат кўп тилли давлат демакдир. Бу эса хорижий технологияларни ўзлаштиришни осонлаштиради ва миллий иқтисодиётни чет давлатлар билан ҳамкорликда ривожлантиришга кенг йўл очади. Давлатлараро дипломатик алоқалар йўлга қўйилади, халқимиз фаровонлиги ошади. Тараққий этган иқтисодиётни, фаровон сиёсий, маънавий ҳаётни ва ривожланган инфратузилмани шакллантиришнинг энг зарур шарти ўзаро консенсус ва бирлашувдир.

Кўплаб тадқиқотлар натижалари ва давлатлар таърибаси кўрсатадики, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва тинчликка фақатгина этник гуруҳларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши, ҳамжиҳатлиги билан эришиш мумкин. Шу боис, бағрикенглик ғоялари ҳар бир фуқаронинг ҳаёт шеригига айланиши лозим.

Жамиятни модернизация қилиш ва илмий-техник инқилобни қучайтириш шароитида давлат органлари, жамоат институтларининг муҳим вазифаси миллий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида тизимли, мақсадли ишларни амалга оширишдан иборат.

Миллатлараро муносабатлар маданиятининг моҳиятини, ривожланиш динамикасини, бу борадаги хорижий давлатлар таърибасини чуқур ўрганиш лозим. Умуминсоний ривожланиш таъминлаш, халқлар ўртасида салбий ҳодисалар ва деформациялар юзга келишининг олдини олишимиз зарур.

Халқлар дўстлиги ижтимоий-этник жамоалар тараққиётини ва умуминсоний цивилизацияни белгилловчи муҳим белгилардан бири. Ватани бирнинг — тилаги бир, тилаги бирнинг — юраги бир. Бизни тақдирнинг ўзи нафақат ҳудудий, балки қалбон бирлаштирди. Бугун ушбу ришталарни янада мустаҳкамлашимиз, бир куч бўлишимиз ҳар қачонгидан муҳимдир.



Азизбек АМОНОВ, Бухоро давлат университети биринчи проректори, социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ойдин орзулар рўёби

Халқлар дўстлиги асрлар давомида юртимиз заминида қадрият даражасида шаклланиб, сўнгги беш йилда янги босқичга кўтарилди. Бунинг давлатимиз раҳбари таклифи билан юртимизда 30 июль — Халқлар дўстлиги кунини этиб белгилангани ва Ўзбекистон Республикасининг “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуни қабул қилингани мисолида аққол кўриш мумкин.



БАХТИЁР МИЛЛАТЛАР ОШЁНИ ЁХУДА 85 ЙИЛЛИК ШОНЛИ ДЎСТЛИК ЙЎЛИГА НАЗАР

Байрам сифатида айнан 30 июль таклиф қилинган бежиз эмас. БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил 3 майдаги 65-сессиясида қабул қилинган резолюциясида халқлар, давлатлар, маданиятлар ва инсонлар ўртасидаги дўстлик, тинчликни таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатларни илҳомлантириш ҳамда маданий хилма-хиллигини ҳурмат қиладиган жамиятлар ўртасида кўприк ўрнатиш мақсадида 30 июлни Халқаро дўстлик кунини сифатида кенг нишонлаш белгиланган.

Бугун юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аллақачон ўзларига “Бағрикенг диёрнинг бахтиёр инсонлари” шioriини маёқ қилиб, Ватанимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият каби ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилаяпти. Жонажон юртимизнинг гуллаб-яшнаши, мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Сеул шахридан 5000 километр узоқда — Тошкент шахрининг “Халқлар дўстлиги” боғидан корей кўшиқларининг янграётгани бунинг аққол мисоли.

Яхши шерик билан узоққа борасан!

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар расман 1992 йилда ўрнатилган. Аслида бу икки халқнинг дўстлиги 1937 йилда 70 мингдан ортиқ корей оиласи мажбуран юртимизга олиб келинганидан бошланган.

Президентиимиз 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлганида мамлакатнинг ўша пайтдаги Президенти Мун Чжэ Ин бу ҳақда тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Ўзбекистонга 80 йил муқаддам миллатдошларимиз узоқ Шарқдан мажбуран кўчириб келтирилган пайтда ўзбек халқи уларни илиқ қутиб олган ва эҳтиром кўрсатган, ҳозир ҳам корей миллатдошларимиз энг кўп яшаб келаётган юрт Ўзбекистондир. Корея халқи Ўзбекистонни биродар юрт сифатида билади ва мен Ўзбекистон ҳақида гапирганда доим қалбимда миннатдорлик туйғуларини ҳис этаман”.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда юртимизда истиқомат қилаётган кўп сонли корей диаспораси муҳим роль ўйнайди. Бугун мамлакатимизда корей халқининг 180 мингдан зиёд вакили истиқомат қилмоқда.

Юртимизда яшаётган корей миллатига мансуб аҳолини бир жойда жамлаётган Ўзбекистон корей маданий марказлари ассоциацияси мавжуд. Ассоциация фаолияти ва корей халқининг юртимизга келган илк йиллари ва бугунги кун ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш мақсадида муассаса раиси Виктор Пак билан суҳбатлашдик.

— Бугун бағрикенг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар орасида корей диаспорасига мансуб фуқаролар ҳам аҳолиноқ яшаб келмоқда, — дейди В.Пак. — Бундан 85 йил аввал собиқ иттифоқ раҳбариятининг тегишли қарори билан корей миллатига мансуб аҳоли Шарқ мамлакатларининг чекка ҳудудларига кўчирилган. Жумладан, ўша вақтда Ўзбекистон ҳудудида 70 мингдан ортиқ корей оиласи поездларда келтирилиб, жойлаштирилган. Мамлакатимизнинг асосан, Тошкент вилояти, Қорақалпоғистоннинг Оролбўйи ҳудудидаги маҳаллий аҳоли бу миллат вакилларини қучоқ очиб қутиб олган, нон-туз, уй-жой берган, огирини енгил қилиб, мослашиб яшашига қўмаклашган. Бугун Ўзбекистон ҳудудининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жуда ихчам ва қулай жойлашиб яшамоқда. Нисбатан камроқ қисми эса бошқа вилоятларда ҳам истиқомат қилмоқда. Бир ойлик йўлда шароити йўқ, совуқ поезда солиб жўнатишган корейсларнинг бир фоиздан кўпроғи, асосан, кексалар, касаллар ва ёш болалар ҳалок бўлган. Мана шундай азобли ҳолда юртдан айрилган муҳожирларни охири йўқ ҳаёллар, ечими номаълум саволлар қўйнарди. “Қаерга кетяпмиз?”, “Бизни қимлар, қандай ҳаёт кутаяпти?”, “Ҳаётимиз қандай кечади?” деган жавобсиз саволлар билан Ўзбекистонга келади.

Ўша вақтларни эслаганда бувам: “Ўзбекистонга келганимизда кеч куз кирган, қишнинг боши эди. Аҳоли ҳам ундай ўзидан ортан халқ бўлмаган. Шундай бўлса-да, бизни бир хонали уйига кириштиб, ўртасидан парда тортиб жой берган, дастурхондаги борини баҳам кўрган. Бунинг ҳеч дастур эсиндан чиқарма”, дер эди.

Мана 65 ёшга кирган бўлсам, эсимни танибманки, ҳали ўзбек билан корей тортишибди, деган гапни эшитганим йўқ. Икки халқ қўни-қўшни бўлиб, аҳил яшаб келмоқда. Ўзим ҳам маҳалладаги ўзбек йигитлар билан дўстлашиб, улғайганман. Ҳозиргача дўстлигимиз давом этмоқда.

Бағрикенг диёрда

Мамлакатимизда яшаётган корей миллатига мансуб юртдошимизнинг 300 нафарга яқини давлатимизнинг юксак ордени ва унвонлари билан мукофотланган. Улар орасида депутатлар, ҳукумат аъзолари, хизмат кўрсатган фан, маданият ва санъат арбоблари, юқори малакали мутахассислар бор. Булар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак, мактабгача таълим вазيري Агриппина Шин, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг хорижий алоқалар ва ватандошлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Валерий Тян, Олий Мажлис депутати Виктор Пак, Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Фен, рассом Николай Шин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Владимир Ким, тиббиёт фанлари доктори, профессор Александр Шек ҳам бор.

Юртимизда сўнгги йилларда кечган ислохотлар туфайли вақтинча Ўзбекистон фуқароси мақомида яшаб келган аксарият корей миллатига мансуб бўлган инсонларга юртимизнинг доимий фуқароси паспорти берилди. Жумладан, 2019 йили ҳам мана шундай муаммоси бўлган 70 нафар корейсга Ўзбекистон фуқаролиги тақдим этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциациясининг вилоятларда 22 та бўлими бор. Бу бўлимларда корейслар ўз она тилини ўрганади, бошқа этник бирлашмалар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг

давлат ва миллий байрамларини ҳамда Солпал — корейсча янги йил, Тано — ёз байрами ва Чусок — ҳосил байрами каби корейс халқининг миллий байрамларини нишонлайди. Ўзбек халқининг азалий миллий таомлари: ош, қозон қабоб, норин, ҳалим, сумалак, турли сомсалар деярли барча корейс хонадонида тайёрланади ва севиб истеъмол қилинади. Корейсларнинг “чимчи” ва бошқа салатларини барча ўзбек дастурхонидида кўриш мумкин. Шунингдек, юртимизда корейс филологияси 12 та олий таълим муассасасида, 48 та мактаб ва лицейда ўқитилмоқда. Ҳар иккала халқ вакиллари ўзбек ёки корейс фильмларини томоша қилади, шу тилдаги кўшиқларни севиб куйлайди, эшитилади.

Ўхшаши йўқ марказ

2019 йилда пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қўлайлиги, қўркамлиги бўйича Осиё мамлакатларида тенгсиз Корейс миллий маданият маркази биноси қурилди. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси раҳбарлари томонидан тантанали равишда очилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур маданият уйи 460 ўринли киноконцерт ва конференциялар зал, кутубхона, бадиий галерея, ресторан ва хизмат хоналарни ўз ичига олган. Бугун марказ аллақачон жамоатчилик ва ёшлар интилидиган, муштарак маданиятни бойитадиган, тотувлик муносабатлари акс этган аjoyиб масканга айланди. Бу жой алоҳида стратегик шерик давлатлар — Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари тарихидаги яна бир ёрқин маскан, десаек, муболага бўлмайди. Янги бинода қўллаб-қувватлашган амалга оширилляпти. Корейс тилида китоб ва газеталар чоп этилмоқда, кўрғазмалар, концерт ва фестиваллар, спорт муسابакалари ўтказилмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг 2021 йил декабрь ойидаги учрашувида Президентимиз 2022 йилни “Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилишми, Тошкентда Корейслар тарихи музейи ҳамда Корейс маданият ва санъат уйи қошида кутубхона ташкил этишни таклиф этди. Ҳозир бу борада ишлар давом этмоқда.

— Бугун корейс миллати вакиллари Янги Ўзбекистонни ривожлантириш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда ўзбек халқи билан бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси масъул ходими Наталья Шек. — Аслида ўзбек ва корейс халқларининг менталитети ўзаро жуда яқин. Икки миллатни меҳнатсеварлик, тотув яшаши интилиш, фидойилик каби фазилатлар бирлаштириб туради. Бунинг тарихида ва бугун ўзбек ва корейслар ҳамкорлигида барча соҳада бажарилаётган ишлар натижасидан билиш мумкин. Корейс миллий маданият маркази ҳам икки халқ ҳамкорлигини тарихий асосларга таянган ҳолда янада мустаҳкамлаш, мамлакатнинг бугунги ва келажакни юксалтириш йўлида кенг қўллами ишларни бажармоқда. Ассоциациямиз марказида янги лойиҳалар, жумладан, корейслар тарихи музейи, кутубхона ташкил этилмоқда. Бу ерда корейслар тарихи ва маданиятини илмий тадқиқ этиш, корейс миллати вакилларига ўзи яшаётган замин тили — ўзбек тили ҳамда корейс тилида ёзиш, ўқиш, гапиришни ўргатиш ҳам режалаштирилган...

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

ҚАЙДАСАН, ВАТАНИМ, ТИНГЛАГИЛ НОЛАМ...

ёҳуд шоир яшаган ҳовли топилди

Болагимдан Усмон Носир шеърияти шайдоси эдим. Наманган заминида туғилган шоир билан ниҳоятда фахрланар, унинг равои мисраларини такрорлаб юрар эдим:

Сен юрагимнинг чашма суви сен,
Сен кўзларимнинг гавҳар нурлари.
Сенинг баҳонгни ким сўраса, де:
“Баҳом умрингнинг баҳосига тенг!”

Усмон Носир шеърияти ҳеч кимникига ўхшамагани, ўша давр адабиёти андозалари ва қолип-ларига сикмагани билан ҳам ўзига хосдир. Шеър-ларида шоирнинг тирик, оташин, исёнкор руҳи сезилиб туради. Усмон Носир шеърияти, аввало, ҳаётлиги, жозибдорлиги, шундай бўлса-да, ниҳоятда содда ва равоилиги учун ҳам халқ қалби-га яқин. Улғайганим сари Усмон Носир ҳаёти ва ижоди-га қизиқишни ошиб борди. Қарерда ва кимдан шоир ҳақида бирор янглик эшитсам, ўша хабар-нинг қанчалар ҳақиқатга яқинлигини текширишдан сира эринмасдим. Айниқса, 2021 йил сентябрда давлатимиз раҳбари наманганлик сайловчилар билан учрашувда 2022 йилда Усмон Носир та-валлудининг 110 йиллиги муносиб нишонланиши-ни маълум қилган чоғида қалбим фахрга тўлди. “Усмон Носир айни иқодий куч-қувватга тўлган 25 ёшида қамалиб, қатагон қилинди. Чунки му-стабид тузум бундай миллатпарвар, ватанпарвар инсонларни ўзининг энг ашаддй душмани, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун ҳам шоир умрини қа-моқхоналарда азоб-қувбатда ўтказиб, 1944 йили 32 ёшида вафот этади. Келгуси йили юртимизда Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги муносиб нишонланади”, деди Шавкат Мирзиёев.

2022 йил 10 февралда Президентимизнинг “Оташын шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишон-лаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Наман-ган аҳли ушбу қарорни жуда катта ҳаяжон ва гурур билан қутиб олди. Қарорда Усмон Носир ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатагон даврида кечган йилларини ўрганиш, ҳозирга қадар номъа-лум бўлиб келаётган қўлзма асарлари тақдирини ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида ишчи гуруҳ тузилиб, унинг Ички ишлар вазирлиги, Дав-лат хавфсизлик хизмати, шунингдек, Россиядаги тегишли архив материаллари билан танишиши учун шариот яратилиши айтиб ўтилган. Наман-ган шаҳрида Усмон Носир ҳайкали ўрнатилиши, Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги кўчаларга Усмон Носир номи берилиши ҳам белгиланган.

Айни қарор билз каби иқод аҳлига ҳам ўзгача куч-ғайрат ва илҳом бағишлади. Шоир ҳаёти ва ижоди-га оид янги маълумотлар асосида “Шеърят дийдасида қотган кўз ёш” ва “Ўзбекнинг Лермон-тов”и китобларини чоп эттирдим. Изланишларим

ҳамон давом этмоқда. Тадқиқот ишлари-га шўнги-ган чоғимда шоир “Қайдасан, Ватаним, тинглагил нолам”, дея фарёд чекаётгандек бўлаверади. Шоирнинг кўплаб мухлислари Усмон Носир та-валлуд топан жой ҳақида қизиқмоқда. Ҳозир бар-ча манбаларда шоир Наманган шаҳридаги Чукур-кўча даҳаси Танҳоғур маҳалласида туғилган, деб ёзилган. Урганишлар давомида шаҳарнинг Илғор, Амир Темур, Чорсу маҳалларида яшовчилар билан суҳбатлар ўтказяпмиз. Давлат архивдаги ҳужжатлар асосида ҳам изланишлар олиб борил-моқда.

Суҳбатларимиз давомида Наманган шаҳрининг Амир Темур маҳалласида яшовчи Одилхон Икро-мовнинг маълумотлари қизиқшй уйғотди. У бундай хикоя қилади:

— 1963-1965 йилларда Тельман номидаги кол-хозга Юнусали Йўлдошев раислик қилган. Колхоз машхур эди. Оромбахш боғи, қишда ҳам ёздаги-дай иссиқхонаси ондан ҳам машхур эди. Отам Мўйдинхўжа Икромов иссиқхонаси бошқарарди. Мен, 6-7 ёшли бола унга қарашардим. Давлат арбоблари, халқ артистлари бири қўйиб, бири келарди. Шоир Ғафур Ғулом раис билан қадрдон бўлиб кетганидан 0033 ТНВ рақамли, қаймоқранг “ГАЗ-21” автомашинасида ҳайдовчиси Мустафо ака билан кўп бора ташриф буюрган.

Меҳмонларни раиснинг маданий-маиший ишлар бўйича уринбосари Эсомхон Нажмидинов



кутиб олар эди. Ғафур Ғулом келса, Андижон, Қўқон, Маргилон шoirлари ҳам келиб, йўқлаб кети-шарди. Ушанда Чархий келди. Мен ёш бола бўлиб, унинг исмини эшитиб таажжубланганман. Негаки, бувимнинг ил йигирадиган чархи бўларди-да. Бир гал Ғафур Ғулом, Чархий, Эсомхон ака суҳбатла-рида Усмон Носир ҳақида сўзлашди. Шунда Эсом-хон ака, “Мен Усмон Носирнинг етти пуштини би-ламан. У бизнинг колхозда туғилган”, деди қатъий.



“ШОИРНИНГ КўПЛАБ МУХЛИСЛАРИ УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУД ТОПГАН ЖОЙ ҲАҚИДА ҚИЗИҚМОҚДА. ҲОЗИР БАРЧА МАНБАЛАРДА ШОИР НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ ЧУҚУРКўЧА ДАҲАСИ ТАНҲОГўР МАҲАЛЛАСИДА ТУГЎЛГАН, ДЕБ ЁЗИЛГАН. ўРГАНИШЛАР ДАВОМИДА ШАҲАРНИНГ ИЛГОР, АМИР ТЕМУР, ЧОРСУ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЯШОВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТЛАР ўТКАЗЯПМИЗ. ДАВЛАТ АРХИВИДАГИ ҲУЖАТЛАР АСОСИДА ҲАМ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Шунда Ғафур Ғулом Чархийга юзланиб, “Сиз уни доим кўқонлик деб келгансиз, наманганлик экан-ку Усмон Носир”, деди.

Бундан завқланган Эсомхон ака ўша вақтдаги Қўйибшев кўчаси урушдан аввал Чукуркўча деб аталгани, Усмон Носир мактаби ёнидаги колхоз саройи ўрнида отаси Маматхўжа эшон ховлисида туғилганини айтиб берди.

Шоир ҳақидаги суҳбат уйимизда ҳам давом этди. Ўшанда дадам 40-45 ёш, бувим Эшонойим Аълохў-жаева эса 75 ёшларда эди. “Ойи, маҳалламиздан шоир чиққан экан”, деди отам. Бувим “Бу ердан шоир чиқмаган, чикса мен эшитардим”, деб рад этди. “Маматхўжа эшоннинг ўғли шоир бўлиб кет-ган экан”, деди дадам. “Ҳа, эшон ўлгач, Ҳоламбиби боласини олиб, қишлоққа кўчиб кетганди, ўша бола шоир бўлган экан-да”, деди бувим ҳайратланиб...

Ушбу хотираларни бизга сўзлаб бераётган Одилхон Икромов 1956 йилда туғилган. 1975-1983 йилларда отаси ўрнида Тельман номидаги колхоз иссиқхонасини бошқарган. Маҳаллий аҳоли ора-сида ҳозиргача оғиздан оғизга ўтиб келган тахмин бор: “Ҳоламбиби ўз ўғли билан қишлоққа кўчиб кетган”, дея хотирлашади.

Усмон Носирнинг дадаси Маҳмудхўжа — Муҳам-мадхўжа эшон вафот этганидан сўнг она-бола


унинг укаси Самадхўжа оиласи билан яшайдилар. Ҳоламбибининг укалари Абдурахмон ва Абдуқаюм домлалар ўз синглиси ва жиянини Танҳоғур бува зиёратгоҳи ҳудудидаги ота ховлисига кўчирадилар. Бу ерда икки йил яшагач, Ҳоламбиби асли қўқон-лик Носирхожи Масодиқовга турмушга чиқади. Но-сирхожи Масодиқов Қўқондан Наманганга келин бўлиб тушган холаси Тошбичиникида яшар, пахта заводиде ишларди. Носир ака Ҳоламбиби билан ўртасида фарзанд туғилгач, оиласини Қўқонга кўчи-риб, ўзи Наманган боғида ўрнашиб олган рус гарнизонида таржимонлик қилган.

Адабиётшунос олим Алихон Халилбеков Усмон Носирнинг онаси ҳақида бундай маълумотларни

ёзган: “Адҳам Охунд қизи Ҳоламбиби 1886 йл-да туғилган. Умри ўғли доғида, абгорлик билан, фарёд чекиб, турли маҳкамаларга бош уриб на-жот қутиб ўтди... Муроди ҳосил бўлмаган онаизор доғ-ҳасратда ўртана-ўртана ўғлининг гўдақлиги-даги иси ва изларини излаб она шаҳри Наманган-га келди (1957 йил 17 сентябрда — Р.И.), ўз онаси жон берган супада оғзидан қон отилиб дунёдан ўтди”...

Мақсадимиз Усмон Носирнинг Намангандаги авлодларини топиш ва улар шажарасини яратиш-дир. Отаси Маматхўжа (Муҳаммадхўжа) эшон ка-саллик туфайли 1914 йил баҳориде 40 ёшлар ча-масида вафот этган. Самадхўжа Маматхўжанинг укаси бўлган, вафоти номаълум. Уларнинг яшаш манзили Наманган шаҳри, “Амир Темур” МФИ, Жийдакапа кўчаси, 58-60-уй бўлган (собик Чукур-кўча даҳаси). Аввалги Қўйибшев кўчаси Наманган шаҳрининг Энгельс (ҳозирги Жийдакапа кўчаси) колхози.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Энгельс даҳаси шаҳарнинг энг обод гўшаларидан бўл-ган. Чукуркўча — Жийдакапа кўчасидан Наман-ган — Андижон йўналиши автобуслари қатнаган. 4-поликлиника, болалар боғчаси, шаҳардаги 2-болалар кутубхонаси ҳам шу ерда жойлашган.



Кўплаб масжидлар бўлган. Жумладан, Авлиё дом-ла ва Ҳайдар закотчи масжидлари бугун ўз истиқ-болини қутиб турибди. Яъни Усмон Носир туғил-ган даҳа утган асрининг бошларида шаҳарнинг энг эътиборли жойларидан бўлган.

Манбаларда Наманган шаҳрининг Танҳоғур маҳалласи деганда ҳозирги Бобур шоҳкўчаси-нинг эл “Болтавоининг самовари” деб биладиган даҳасини тушунишимиз керак. Бу ердаги Танҳоғур бува зиёратгоҳи шундан гувоҳлик беради. Ҳозир “Илғор” МФИдаги Бешкапа ва Зарбдор кўчалар-ининг Маргилон кўчасига туташиб кетган қисми оралигида Адҳам Охунд ҳазратларининг ховлиси бўлган. Унинг катта қизи Ҳоламбиби 1886 йилда туғилган, 1957 йил 17 сентябрда отасининг хов-лисида вафот этган. Бу ховлида унинг укалари — мударрис Абдурахмон домла, масжид имоми Абдуқаюм домла яшаган.

Оқоридаги ҳудудда Адҳам Охунднинг набира-си, Абдурахмон домланинг қизи Мавлудахон яса-ган. Унинг фарзандлари ёки набиралари бўлиши мумкин. Мазкур ховлининг девораро кўшиси Қўқондан келин бўлиб тушган Тошбиби (Тошбуви) бўлган. У Ҳоламбибининг эри, Усмон Носирнинг ўғай отаси Носир хожи Масодиқовнинг холасидир.

Айни дамда Наманганда оташин шоир ва дра-матург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигига тайёргарлик ишлари қизгин кечмоқда.

PS: Шоир туғилган кўчада, яъни Наманган шаҳрининг ҳозирги Амир Темур номидаги маҳал-лада жойлашган 22-умумий ўрта таълим макта-би 1968 йилда қурилган бўлиб, 230 ўринли муас-сасида 630 нафар ўқувчи таълим олаётган эди. Утаган қисқа вақтда ушбу мактаб Президентимиз-нинг “Оташын шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудини 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарориде белгиланган чора-тадбирлар доирасида қайта таъмирланди. Айни пайтда ҳудудда 540 ўринли замонавий мак-таб биноси қад ростламоқда. Мазкур мактабга Усмон Носир номи берилиши режалаштирилган.

**Раҳимжон ИРИСОВ,
тадқиқотчи**

БОҚИЙ МЕРОС



**Бахтиёр АХМЕДОВ,
Республика бахшичилик
санъати маркази давлат
муассасаси Устоз-шогирд
мактаби бўлими бошлиғи**

Устоз-шогирдлик аънанаси, айниқса, бахшичиликда жуда кучли. Унда аждод-лар ва авлодлар, мерос ва ворислик, шунингдек, кеча, бугун ва эртанинг ўзаро алоқалари мукжассам. Халқимиз турмуш тарзининг юксалишида халқ оғзаки ижо-дининг аҳамияти катта бўлиб, бугунги кунга қадар ёш авлод тарбиясига муно-сиб ҳисса қўшиб келмоқда. Халқ оғзаки ижодининг муҳим йўналиши бўлган дос-тонлар узок асрлар давомида яратилиб келган ва турли иқтимоий-иқтисодий шароитларда қуйланган.

Устоз-шогирд аънаналарини ўзида мукжассам этиб, унинг давомийлигини таъминлаган Қодир бахши Раҳимовнинг ҳаёти ва ижодини намуна қилиб қўрас-етса бўлади. Қодир бахши бир қатор таниқли бахшилардан бахшичилик сир-ларини ўрганди ва уларни ўзининг устоз-лари деб тан олди. Шу боис, ўзига бир

“ДЕНГИЗ” БАХШИЛАР УСТОЗИ

Халқимизда устоз ва шогирд муносабатлари қадимий аънаналарга эга. Устознинг шогирдга бўлган меҳр, ихлоси, айни вақтда шогирднинг устозга бекиёс эҳтироми, ишончи, ҳурмати шу қадар томир отиб кетганки, бу мавзу мақоллардан тортиб, дostonларгача бўлган оғзаки ижод намуналарида ҳам ўзининг бадийий ифодасини топган.

куйни ўргатган ёҳуд янги бир сўзни айта-ган, ўқитган ҳар бир кишини устоз сифа-тида қадрларди. Уларга нисбатан ҳиёнат қилиш, шаънига ёмон сўз дейиш бахшига батамом ёт эди.

Қодир бахши устоз-шогирд аънаналар-ини давом эттириб, устозларидан олган улуғларни ҳамда ҳаёт тажрибаси асосида бахшичилик санъатининг этика-эстетик-аси ва сахна маданияти хусусида бир қатор ўғитлар ёзиб, қолдирган. Ўғитла-рида бахшининг чолғуси — дўмбиранинг муқаддаслиги, унинг бахши учун аҳамия-ти ва бу илоҳий созни асраб-авайлаш, эъзозлаш ҳақида тўхталиб ўтган. Масал-лан, унинг “Дўмбирани қўлинг қовилган бўлса ушла”, “Бахши бўлсанг дўмбирани ховорга ташлама, ондан ҳеч ким ҳаққа-ламасин” каби бир қатор пурмаъно ўғит-лари мавжуд.

Қодир бахши ўз даврида кўпгина ри-воятларни билиш билан бир қаторда, улардаги фалсафий-ахлоқий маънони чуқур тушунар ва унга ўзи ҳам амал қи-лар эди. Эл орасида танилиб, ондан дoston матнлари ёзиб олина бошлаган даврда ҳам шу эътиқодга, ҳурматга со-диқ қолди. Устозларининг репертурига ёзиб олинмаган, чоп этилмай қолган бўлса-да, улардан ўрганганини тан олиб, номини абдийлаштиришга ҳисса қўшди.

Одамлар орасида бахшилар ҳақида гап кетганда, уларнинг тўйма-тўй юри-ши, хизматларига юқори нарх қўйиши ке-йинги вақтларда тез-тез айтилиб қолди. Тўғри, бахшиларнинг ризқ-насибаси эл

орасида. Қадимдан ҳам шундай бўлган. Ҳозиргача бу аъана бор ва давом этиб келмоқда. Утган асрининг етмишинчи йил-лари охирига қадар тўйда хизмат қилган бахшига бир қупкари ёки курашдаги ўр-тача соврин (улоқ, қўзи, тўн) берилган. Кейинги йилларда бу аъанадан беҳа-бар айрим бахшилар хизматига ўзлари нарх бичадиган, бир соатлик, икки соат-лик хизматига анча-мунча ҳақ сўрайди-ган бўлиб қолишди. Бу жиҳатдан Қодир бахши уларга ўшамасди. У устози Умир бахшининг ёнида туриб, тўрт метр ала-чага икки қўнлаб дoston айтганига гувоҳ бўлган, ўзи ҳам йўқчили, муҳтожлик азобини тарта-тарта воғла етган эди. Шу боис, тўйга боргунча ҳам, боргандан сўнг ҳам хизматига нарх қўймади. Тўй эгаси берган материални очиб қарамас, пулни санаб кўрмас эди. Амаллаб тўй бераёт-ган, аммо ният қилиб шу бахшини чо-рлаган тўй эгаларидан илоҳи борича ҳеч нараса олмаслиққа қарақат қилар ва ўзи дуо бериб кетаверарди.

Қодир бахши Раҳимов устозлари ёнида юриб, тўйларда бахшининг ўзини туттиши, тўйда хизмат қилиш одобини ўрганди, амал қилди ва бу ҳақда бир қатор ўғитларни ёзиб қолдирди. Бугунги ёш бахшиларимизнинг ушбу ўғитларига амал қилиши жуда зарурдир. Жумладан, “Тўй-чилардан фойдаланиш йўлини излама, агар уларнинг ўзлари марҳамат қилса, чегарадан ошма” ёки “Бир кунда икки ки-шига ваъда берма”, “Бир кунда ғажирдай учта тўртта тўйни кезма” каби ўғитлари



ёш бахшилар тарбиясида муҳим ўрин ту-тиши билан аҳамиятли.

Тўйга борадиган бахшининг кийини-ши, ўзини туттиш одоби ҳақида ҳам қатор ўғитлар мавжуд. Жумладан, “Тўйга боришдан олдин соқол-мўйловингни ол ва сочингни тозалаб юв, тирноқларингга эътибор бер”, “Тўйхонага жулдур кийи-ниб борма, илоҳи бўлса тўнда бор”, “Тўйхонага очик чехра билан кириб бор, борганда, аввало, салом бер ва истиқ-болингга чиққанлар билан қўришиб чиқ”, “Тўйда билмаган дostonингни айтма, дostonни бошлашдан олдин насихат ва яхшиликка етакловчи термалардан бошла”, “Хизмат тугагандан кейин тўй эгасининг розилигини ва дуосини олиб, жўна”, “Берган ҳаққига талашма, агар у номард бўлса, сен дуо бериб кет” каби насихатомуз ўғитлари бахшининг халқ-чил қадриятларимизни теран билиши,

уларда бевосита иштирок этиши билан боғлиқ.

Қодир бахши бахшичилик санъатини мукаммал эгаллаб, устозлик макомига етишгандан сўнг элпа-эл, юртма-юрт ке-зиб, ўзбекчилигимизни ўрганди, ўрган-дигана эмас, бадийий тадқиқ этди. Халқ урф-одатлари, удумлари, расм-русумла-ри, аънаналарини, маросимларини, турфа байрамлари, оилавий, маиший лавҳала-ри, халқ уйи-нларини асарларига кўчириб, жуда ишонarli ва ҳаққоний акс эттирди.

Қодир бахшининг устозларни ҳурмат қилиш ҳақида шогирдларига қолдирган панд-насихатлари унинг ҳаёт мактабини жуда чуқур ўрганганини кўрсатади.

“Устоз етти отага тенгдир”, “Биров-ни устозим деб ушлама, агар ушласанг, унинг ҳурматини жойига қўй”, “Давра-да, тўйда устозинг билан бирга бўлсанг, чечанлик қилма, бирга юрсанг, дўмбира-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 02:30 Топиридли — 03:05